



ИНГЛИЗ ТИЛИ АСОСИДА НЕМИС ТИЛИГА ЎҚИТИШНИНГ АЙРИМ ХУСУСИЯТЛАРИ ҲАҚИДА

¹А.Р.Арслозода,

²Г.М.Умаржонова

ф.ф.ф.д (PhD)

Фарғона давлат университети

<https://www.doi.org/10.5281/zenodo.7844397>

ARTICLE INFO

Received: 09th April 2023

Accepted: 18th April 2023

Online: 19th April 2023

KEY WORDS

Чет тили, чоғиштириш,
қиёслаш, ўрганмоқ,
ўзлаштирмақ, феъл сўз
туркуми, артикл,
артикуляция, лексика, жинс
категорияси, жинс
категорияси, сифатларнинг
турланиши.

ABSTRACT

Ушбу мақолада чет тилини иккинчи тил сифатида ўқитишнинг замонавий ёндашуви, яъни инглиз тилини немис тили асосида ўқитиш методига қаратилган. Бу борада дунё тилшунос олимларининг фикрлари ўрганилган ҳамда муносабат билдирилган. Маълумки, инглиз ва немис тиллари келиб чиқиши ва ривожланишида нуқтаи назаридан умумий илдизларга эга, чунки ҳинд-европа тиллар оиласининг ғарбий-герман ва англо-саксон гуруҳига мансубдирлар. Мазкур тилларни ўрганишнинг дастлабки босқичидаёқ талабалар немис ва инглиз тилларида жуда кўп умумий жиҳатлар борлигини кўришлари мумкин.

Ўзбекистон Республикасида биринчи чет тили сифатида инглиз тилини ўрганаётган талабалар томонидан иккинчи чет тили сифатида немис тилининг танланиши тасодифий эмас. Бунинг сабаби Ўзбекистон ва Германия давлатлари ўртасидаги иқтисодий ҳамда маданий алоқаларнинг кенгайиши билан боғлиқдир.

Германиялик тилшунослар ОТМларда немис тилини иккинчи чет тили сифатида ўқитилишининг замонавий ёндашувларига катта эътибор қаратмоқдалар. Масалан, Герхард Штикелнинг фикрича, иккинчи чет тили сифатида немис тилининг ўқитилиши “бошқа тиллар билан қиёслаш” асосида олиб борилиши керак [1, с.115]. Бунда инглиз тили матнлари билан чоғиштирганда яхши кўзга ташланадиган грамматика, морфология, синтаксис соҳаларидаги “оғир нуқталар”га асосий эътибор қаратилади.

Павел Петков немис тилини иккинчи чет тили сифатида ўрганишнинг асосида биринчи ўринда ижтимоий-маданий компонентлар кўриб чиқилиши керак деб ҳисоблайди. Яъни, немис ва инглиз тилларининг ўхшаш ва фарқли жиҳатлари асосида тарих, ҳуқуқ, сиёсат ҳамда иқтисод муаммоларини тадқиқ қилиш зарур [2, с.67]. Сали фе Траоре фикрича эса, чет тилларга ўқитишнинг асосида биринчи ўринда грамматикани ўзлаштириш бўлиши керак, чунки талабалар “чет тилини билишдан ташқари, ундан оқилона фойдалана олишлари муҳим” [3, с.102].



Инглиз тили асосида немис тилида нутқий механизмни шакллантиришни тезлаштиришда бир нечта чет тилларини ўрганиш жараёнида кўникма ҳамда малакаларини қўллаш масаласи муҳим аҳамиятга эга. Қариндош чет тили асосида иккинчи чет тилига ўқитиш жараёнида кўникмаларни ижобий қўллашда катта имкониятлар мавжуд. Қариндош тилларда талаффуз, грамматика соҳаларида умумий жараёнлар, қариндош сўзлар қатламларини ажратиб кўрсатиш мумкин.

Маълумки, инглиз ва немис тиллари келиб чиқиши ва ривожланишида нуқтаи назаридан жуда яқиндирлар. Улар умумий илдизларга эга, чунки ҳинд-европа тиллар оиласининг ғарбий-герман ва англо-саксон гуруҳига мансубдирлар. Мазкур тилларни ўрганишнинг дастлабки босқичидаёқ талабалар немис ва инглиз тилларида жуда кўп умумий жиҳатлар борлигини кўришади:

1. лотин алифбоси ёзувни ўрганиш даврини қисқартиради;

2. луғат ва сўз қўллар соҳасида. Немис ва инглиз тиллардаги ўхшаш сўзлар (масалан: ҳафта номлари, ой номлари, тана аъзолари номлари, кийим-кечак номлари), инглиз тилидан ўзлаштирилган интернационал лексика (масалан, Rockmusik, Jeans, Computer, Internet) ўқишни ўрганиш жараёнини осонлаштиради ҳамда немис тили лексикаси тез ўзлаштиришга кўмаклашади;

3. содда гап таркибида феъл – боғламанинг мавжудлиги: “sein” – немис тилида, «to be» – инглиз тилида.

| Deutsch | English |
|----------------------|-------------------|
| Mein Name ist Peter. | My name is Peter. |
| Deutsch | English |
| ich bin | I am |
| du bist | you are |
| er ist | he is |
| sie ist | she is |
| es ist | it is |
| wir sind | we are |
| ihr seid | you are |
| sie sind | they are |

Мазкур икки кўмакчи феъл ўз кўринишларга эга бўлиб, улардан айримлари иккала тилда жуда ўхшаш (ist и is). Бундан ташқари улар гап қурилишида, айнан, бир хил вазифа бажаради.

4. феъл замонларининг шаклланишида (феълнинг асосий уч шакли ҳамда haben = to have кўмакчи феълнинг қўлланиши). Феълнинг уч асосий шаклини чоғиштириб, ўқувчилар иккала тилда бир хил маъноли сўзлар борлигини ва улар орасида ёзилишида ҳамда “нотўғри феълларнинг” ўзак асосда ўхшашлик борлигини кўришади;

| Deutsch | English |
|--------------------------------|------------------------|
| kommen – kam - gekommen | come – came - come |
| sprechen – sprach - gesprochen | speak – spoke - spoken |
| beginnen – begann - begonnen | begin – began - begun |



| | |
|--------------------------------|--------------------------|
| trinken – drank - getrunken | drink – drank - drunk |
| geben – gab - gegeben | give – gave – given |
| springen – sprang - gesprungen | spring – sprang - sprung |

Ҳам инглиз тилида, ҳам немис тилида артикл мавжуд. Иккала тилда аниқлик ва ноаниқлик артиклларининг мавжудлиги иккинчи тил ўрганишни осонлаштиради;

ein Mann - der Mann (Deutsch)

a man - the man (English)

das Auto (n) - the car

ein Auto - a car

инглиз тилида ва немис тилида модал феъллар ўхшаш шаклга эга;

er kann ... er muss (Deutsch)

he can ... he must (English)

иккала тилда тўғри ва нотўғри феъллар мавжуд. Иккала тилда, нотўғри феълларнинг уч асосий шакли ҳосил қилинишидан фарқли, маълум бир қоида асосида ҳосил бўладиган тўғри феълларнинг уч асосий шакли мавжуд;

| Deutsch | English |
|------------------------------|---------------------------|
| finden - fand - gefungen | find - found - found |
| bringen - brachte - gebracht | bring - brought - brought |

аниқловчи эргаш гапли қўшма гапларда нисбий олмошлар қўлланиши;

| Einige Relativpronomen | Some relative pronouns |
|------------------------|--------------------------|
| Singular, Personen | Persons (Singular) |
| die Frau, die... | the woman, |
| der Mann, der... | the man, who... |
| Plural, Personen | Persons (Plural) |
| die Leute, die | the people, who... |
| Singular, Sachen | Things (Singular) |
| der Ball, der... | the ball, that /which... |

буйруқ майли;

I

Denk an

Think

Helft

Help

келаси замон;

I will buy...

will = werden

“haben” қўмакчи феъл ёрдамида Perfekt ҳосил қилиниши;

I have done.

II

deine Frau!

of your wife!

euren Freunden!

your friends!

Ich werde...kaufen

Ich habe getan.

иккала тилда сифат даражаларида ҳам кўп ўхшашликлар мавжуд;

English

Deutsch



small – smaller – smallest

klein - kleiner - am kleinsten

deep – deeper – deepest

tief – tiefer – am tiefsten

немис тилида ҳам, инглиз тилида ҳам сифат даражалари ҳосил қилиш қондасига истисно бўлган сифатлар бор;

English

Deutsch

good – better – best

gut – besser – am besten

much/many – more – most

viel – mehr – am meisten

бундан ташқари иккала тилда бир хил лексик қурилишга эга бўлган сўзлар мавжудки биринчи тил асосида уларни таржима қилиш мумкин;

| Deutsch | English |
|------------|----------|
| der Wind | wind |
| das Haus | house |
| der Freund | friend |
| der Ball | ball |
| lernen | to learn |
| der Apfel | apple |
| das Buch | book |
| das Wasser | water |

“Умумий инглиз-немис лексикаси” ўрганиш жараёнида уларнинг тўғри талаффуз қилинишига алоҳида эътибор қаратиш зарур. Мазкур сўзларнинг тўғри артикуляцияси ҳамда урғуси бўйича махсус тайёрлов машқларини ўтказиш керак бўлади. Бундай машғулотларнинг ўтказилмаслиги талабаларнинг немис тилидаги нутқида “инглизча” акцент шаклланишига олиб келади.

Deutsch

English

Information

information

Finger

finger

Waschen

wash

Ring

ring

Буларнинг барчаси немис тилини иккинчи чет тили сифатида ўрганиш учун таянч вазифасини бажаради.

Ҳар қандай янги чет тилини ўрганиш маълум қийинчиликларни ўзида касб этади. Маълумки, немис тили грамматикасини бошқа герман тиллари грамматикаларига қараганда анча мураккаб. Ўқитувчининг вазифаси немис тили грамматикаси осон англаб олиш бўйича мувофиқ машқлар танлашдан иборат.

Масалан, немис тилига ўқитишнинг бирламчи босқичида талабалар от сўз туркумининг жинс категорияси, феъл шакллари ўрганишда маълум бир қийинчиликларга дучор бўладилар.

Сифатларни бир йўла уларнинг антонимлари билан ўргатиш мақсадга мувофиқдир (gut – schlecht, gross – klein, lang – kurz).

Ўз вақтида немис тилида сифатларнинг турланишини ўрганиш машҳур америкалик ёзувчи Марк Твенга анча қийинчиликлар тўғдирган: у “менинг яхши дўстим” (mein guter Freund) иборасини турламоқчи бўлган ва “Германияда дўстлар



билан шунча овора бўлгандан, умуман дўстга эга бўлмаган яхши экан” деган хулосага келган.

Сифатларнинг турланиши, отларда кўплик ясаши, феълларнинг тусланиши каби грамматик мавзуларни биринчи ўринда ўргатиш керак. Чунки мазкур мавзуларни билмай туриб немис тилида энг оддий матнларни ҳам тўғри ўқиб бўлмайди.

References:

1. Petkov P. Zur Gegenstandsbestimmung des Universitätsfaches Germanistik // Daf. – 2005. – №2.
2. Kursisa A., Neuner G. Deutsch ist easy, Ismaning bei München, 2006.
3. Бим И.Л. Концепция обучения второму иностранному языку (немецкого на базе английского). – Тверь: Титул, 2001.
4. I.Tukhtarova, A.Arslonyoda. (2022) Some aspects of popular scientific literature in teaching a foreign language. Asian Journal of Multidimensional Research. P. 288-295.
5. A.R.Arlonzoda. (2020) The Place of Social and Cultural Means in Teaching Foreign Languages. International Journal of Scientific and Technology . P. 1839-1841.
6. A.A.Rakhmatova. (2022) Phraseologism and its interpretation. Academicia: An International Multidisciplinary Research Journal ISSN: 2249-7137 Vol. 12, Issue 04, April 2022 SJIF 2022 = 8.252 A peer reviewed journal.
7. A.A.Rakhmatova. (2022) Linguistic and semiotic analysis of the phraseological field of «clothes" (in the example of English, Russian, and Uzbek languages). American Journal of Interdisciplinary Research and Development.
8. A.R.Arlonzoda. (2021) Ways of formation phonetic skills in young learners. Herakd pedagogikinauka i Praktyka(wydanie specjalne) 119Volume-1.
9. I.Tukhtarova, A.Arslonyod. (2022)The Role of Popular Scientific Literature in Teaching a Foreign Language to Students of Non-Language Faculties of Universities. AMERICAN JOURNAL OF SOCIAL AND HUMANITARIAN RESEARCH ISSN: 2690-9626 Vol.3,N 1.
10. Г.М.Умаржонова. (2023) Фразеологизмлар луғатини яратишнинг назарий тамойиллари. Barqarorlik va yetakchi tadqiqotlar onlayn ilmiy jurnali 3 (2), 447-450.
11. G.M.Umarjonova. (2023) CLASSIFICATION OF GERMAN LINGUISTS BY PHRASEOLOGICAL UNITS. Open Access Repository 4 (2), 595-600.
12. G.Umarjonova. (2021) SEMANTIC CLASSIFICATION OF THE PHRASEOLOGICAL UNITS WITH THE COMPONENT “HAND-ҚЎЛ” IN GERMAN AND UZBEK LANGUAGES. THEORETICAL & APPLIED SCIENCE Учредители: Теоретическая и прикладная наука ..., 676-679.
13. Porubay, I. F., Zokirov, M. T., & Ibragimova, E. I. (2023). FEATURES OF CONTEMPORARY INTERNET LANGUAGE. BARQARORLIK VA YETAKCHI TADQIQOTLAR ONLAYN ILMIY JURNALI, 3(2), 210-216.
14. Khamrakulova, S. A. B. I. N. A., & Zokirov, M. T. (2022). Phraseological units expressing old age of a human being in the English and Russian languages. ISJ Theoretical & Applied Science, 1(105), 280-283.
15. Turdaliyevich, Z. M. (2022). Actual Problems of Bilingualism in a Multi-Ethnic Environment. International Journal of Culture and Modernity, 13, 17-23.